



Vebsayt: <https://involta.uz/>

XXI АСР БОШЛАРИДА АҚШ ТАШҚИ СИЁСАТИДА ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАР

Сиддиқова Нурхон Илхомовна

СамДУ тарих факултети 2- курс магистранти

Аннотация: Ушбу мақолада XXI аср бошларида Эрон Ислom Республикаси ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар ёритилган. Ўрта шарқ минтақасидаги вазият Эроннинг минтақадаги ўрни ҳамда АҚШ Эрон билан муносабатларидаги сиёсий жараёнлар баён етилган. Муаллиф мақолани ёритишда бир қанча хорижий адабиётлардан ва янги маълумотлардан фойдаланган.

Калит сўзлар: " Катта саккизлик", "Катта йигирматалик", БМТ, МАГАТЭ, "Ҳизболлоҳ", "Хамас", "Ислom жиҳоди", Л. Вулсей, Санкция, Ядро дастури, Барак Обама.

Америка – Эрон муносабатлари XXI аср бошларида Яқин Шарқ минтақасининг энг муҳим ташқи сиёсий йўналишларидан бири бўлиб, бу дунёдаги сиёсий мувозанатнинг қай даражада ўзгаришига ҳам ўз таъсирини кўрсатиши мумкин эди. Охириги 30 йил давомида АҚШ раҳбарияти Эрон билан муносабатларда сиёсий ва иқтисодий яққалаш сиёсатига қатъий амал қилиб келмоқда. Энг асосий муаммо сифатида Эроннинг ядро дастури, баллистик

ракеталарнинг яратилиши билан боғлиқ масалалар ва араб – исроил карама – қаршилигида Эроннинг Исроилни йўқ қилишга қаратилган чиқишлари ҳисобланади. Шу билан бирга АҚШ расмийлари Эрон халқаро терроризмга ҳомийлик қилади деган даъволар билан чиқишади.

АҚШ Эронга қарши сиёсий ва иқтисодий чоралар кўришда БМТ, “Катта саккизлик”, “Катта йигирматалик” ва Халқаро атом энергетикаси (МАГАТЭ) каби халқаро ташкилотлар ва бирлашмалардан фаол фойдаланиб келади.

XXI аср бошларига келиб, Кичик Жорж Буш маъмурияти Барак Обама маъмурияти билан алмашгач, АҚШнинг Яқин ва Ўрта Шарққа нисбатан сиёсатида бирмунча ўзгаришлар юз бера бошлади. Аслида сиёсатдаги ўзгаришлар у қадар жиддий бўлмасдан фақатгина сиёсий усуллар ўзгарганлигини кўриш мумкин. Расмий Техрон эса ўзининг баёнотларида АҚШнинг минтақадаги тинчликка раҳна солиш ва асосиз айбловлар қўйишда айблай бошлайди.¹

2008 йил 5 март куни АҚШ Конгрессининг 110-сессиясида Республикачилар партиясидан бўлган сенатор Г.Смит Эронга нисбатан қўлланилган санкциялар БМТ томонидан унинг урани бойитишига қарши чора сифатида қўлланилганини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Шу билан бирга АҚШ ва унинг иттифоқчилари қўлланилаётган санкцияларни янада кучайтириш кераклигини алоҳида таъкидлайди. Эрон эса ўзининг ядро дастури билан БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларни доимий равишда хабардор қилиб келишлари лозим эди.²

АҚШ ҳукумати Эронни ўзининг Яқин Шарқдаги манфаатларига нисбатан асосий хавфлардан бири сифатида кўради. Шу билан бирга Эрон АҚШнинг

¹ Мирский Г. Иран и США: противостояние на фоне «ядерного кризиса» // Мировая экономика и международные отношения. 2006. № 7. С. 3-14.

² United Nations security council sanctions on Iran // Congressional Record. U.S. Senate. Congress 110th. Session 2nd. 2008. March. Vol. 154, № 37. Wash.: U.S. gov. print. off., 2008. P. 1594.

миллий хавфсизлиги учун энг асосий душман кучлар сирасига киритилган. Кичик Жорж Буш “Эрон халқаро террорчиликнинг энг фаол ҳомийси ҳисобланади ва уларни молиявий жиҳатдан қўллаб қувватламоқда, жумладан “Ҳизболлоҳ”, “Хамас”, “Ислом жиҳоди” ва Яқин ҳамда Ўрта Шарқдаги яна қўллаб террорчилик ҳаракатлари шулар жумласига киради.....”.

АҚШ сенати аъзоси, демократлар партияси аъзоси бўлган Л. Вулсей 200 йил 17 апрель куни АҚШ Конгрессининг 110-сессиясида қилган чиқишида Вакиллар палатасининг эътиборини АҚШнинг Яқин Шарқ минтақасида олиб бораётган сиёсатини тубдан ўзгартириши кераклиги борасидаги жуда муҳим масалага қаратади. Бунда у минтақада АҚШ сиёсатини ўзгартириши лозим, сабаби олиб борилаётган сиёсат мамлакат фуқароларининг ҳаётини хавф остида қолдирмоқда. Шу сабаб Вашингтон Расмий Техрон билан алоқаларни маълум шартлар асосида қайта кўриб чиқиши лозим.³

Сенатор Л. Вулсейнинг фикрига кўра АҚШ маъмурияти Эронга нисбатан ҳарбий ҳаракатлар қўллаш фикрини яна бир бор ўйлаб кўриши лозим. Унинг фикрлари 2008 йил мартда адмирал Уильям Фэллоннинг истефога чиқиши билан ҳам боғлиқ эди. Сабаби Кичик Буш маъмуриятида адмиралнинг истефосидан кейин Эронга нисбатан ҳарбий усулни қўллаш тарафдорлари сони ортиб кетганлиги билан изоҳланади.

Л. Вулсейнинг фикрича Эронни Ироқдан имкон қадар узокроқда ушлаб туриш зарур, агарда ядро қуролини ишлаб чиқишга киришадиган бўлса, ва улар ўзларини яхши тутишни тўхтатса, унда АҚШ босим қилишни тўхтатиб,

³ Report on the continuation of the national emergency that was declared on March 15, 1995, with respect to Iran - PM 41 // Congressional Record. U.S. Senate. Congress 110th. Session 2nd. 2008. March. Vol. 154, № 41. Wash.: U.S. gov. print. off., 2008. P. 1874-1875

ҳарбий чора кўриши мумкин бўлади. Аммо АҚШнинг биринчи қуроли барибир келишув ва дипломатия бўлиб қолиши зарур.⁴

2008 йил 2 июнда АҚШ Сенати № 580 резолюциясини қабул қилади ва унга кўра Эроннинг ядро қуролини ишлаб чиқаришига қарши ҳар қандай чораларни қўллаш назарда тутилган. Унда сенат Эрон ҳам 1968 йил июлда ядро қуролини ишлаб чиқармаслик ва уни тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани имзоланганлиги ҳамда шартномани ратификация қилганлиги алоҳида таъкидланиб, Эрон мазкур шартномага амал қилиши зарурлиги уқтириб ўтилган. Эрон ўзининг ядро дастурини МАГАТЭнинг доимий назорати остида давом эттириши мумкин ва бу тинч йўлда амалга оширилиши зарур деб кўрсатиб ўтилган. АҚШ ҳукумати агарда Эрон ядро қуролига эга бўлса, у холда бу қурол технологияси террорчилар қўлига тушиши эҳтимоли жуда ортиб кетади деб ҳисобламоқда. Бу эса биринчи галда АҚШ ва Европа учун жиддий хавф ҳисобланади. Шунга мос равишда Техрон китъалараро баллистик ракеталарни ривожлантириш устида доимий равишда ишламоқда.

АҚШ ва унинг иттифоқчилари Эроннинг ракета ва атом дастурини бекор қилиш учун сиёсий, иқтисодий, дипломатик ва зарур бўлса ҳарбий чора қўллашни ҳам назарда тутган режалар ишлаб чиқмоқда. Санкциялар ҳатто Эрон Марказий банкига ҳам қўлланилмоқда. Шу билан бирга террорчиларни қўллаб қувватлаш учун маблағ ажратган ҳар қандай бошқа банкларга нисбатан ҳам шунга ўхшаш чоралар кўрилиши билан огоҳлантириб келмоқда. Банклардан ташқари Эроннинг энергетика тизимига 20 миллион доллардан ортиқ сармоя киритган ҳар қандай компания ҳам санкцияларга дучор бўлиши

⁴ The Bush administration's middle east policies // Congressional Record. U.S. House of Representatives. Congress 110th. Session 2nd. 2008. April. Vol. 154, № 61. Wash.: U.S. gov. print. off., 2008. P. 2470.

кўрстиб ўтилган. 1996 йилдан бошлаб Эрон ислом инқилоби корпуси ҳам санкциялар билан “сийлаб” келинмоқда.⁵

АҚШ Конгрессининг республикачилардан бўлган аъзоси Р. Бартлетт 2008 йил 10 июль куни 110-сессиясида чиқиш қилиб: “Эроннинг кечаги ракета синовлари жуда кутилмаган ҳолат бўлди, улар бу билан ўзларининг нақадар хавфли эканлигини яна бир марта кўрсатиб қўйишди. Синовлардан бири янада такомиллаштирилган “Шахоб-3” ракетаси бўлиб, унинг радиуси 1 250 миль. Унинг учиш масофаси доимий равишда оширилиб борилмоқда. Америка разведкаси аниқлашича Эрон ишлаб чиқарган қитъалараро баллистик ракеталар такомиллаштирилиб бориб, 2015 йилга келиб Нью-Йорк ёки Вашингтонга қадар етиб келиши мумкин бўлади.

Агарда Эрон электромагнит зарба бериш технологиясини такомиллаштира, хавф янада ортади. Электромагнит зарбаси бу АҚШ иқтисодини бутунлай йўқ қилиши ёки ишдан чиқариши мумкин. Эроннинг махфий ҳужжатларида АҚШга аввал электромагнит зарбасини бериш ва ундан кейин ядровий зарба бериш назарда тутилган”.⁶

Барак Обама АҚШнинг Эрон билан муносабатларини яхшилаш учун умид бўлиб қолганди. Қатор сенаторлар Эронни халқаро миқёсда сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан яқкалаш сиёсатини давом эттириш лозим деб ҳисоблаган. Шулардан бири Вакиллар палатасининг республикачи аъзоси Ж. Моран бўлиб, у Конгресснинг 111-сессияси (2009 йил 16 март) сўзга чиқиб Эронга қарши санкцияларни биринчи галда Эроннинг етакчилари, хусусан Президентига нисбатан қўллаш лозим деб таъкидлайди.

⁵ Фофанова М. Ирано-американские отношения: тупик или бег по кругу? // Азия и Африка сегодня. 2007. № 9. С. 28-32.

⁶ Гольцев А.В., Сухих Е.А. Логика развития ядерной политики США в отношении Исламской Республики Иран // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского. 2008. № 3. С. 231-237.

АҚШнинг янги ҳукумати ҳам Эронни халқаро терроризмнинг ҳомийси сифатида кўради. Шу билан бирга Эроннинг ядро дастури Исроилни йўқ қилишга қаратилган деб ҳисоблайди. Техрон етарли даражада бойитилган уранга эга эмас, бу унинг ядро қуролига эга бўлишини чеклаб турадиган асосий жиҳатлардан биридир.

2009 йил 10 июнда АҚШ Конгрессининг Вакиллар палатаси аъзолари Эрон нефтига нисбатан санкцияларни янада кенгайтириш ва натижада Эронда нефт саноати тараққиёти секинлашиб қолиши назарда тутилган режа ишлаб чиқилади. Сабаби уларнинг фикрича Эроннинг ядро дастури АҚШ ва унинг Европа, Яқин Шарқ ва умуман бутун дунёдаги иттифоқчиларининг хавфсизлиги учун жиддий хавфдир. 2008 йил 4 июн куни Барак Обама шундай деганди “Биз АҚШ ва у билан ҳамкорлик қиладиган Европа, Япония, Форз кўрфази мамлакатлари билан бирга Эрон ва унинг тузумини минтақада яккалаб қўйишимиз лозим.....”.⁷

АҚШ президенти Барак Обама бошқаруви даврида Эрон ҳукуматига тарихий таклиф билан чиқади. Бунда Эрон ҳукумати АҚШ маъмурияти билан тўғридан – тўғри дипломатик музокаралар олиб бориши мумкин ва шу орқали икки давлат ўртасидаги муаммоларни ва зиддиятларни ҳал этиш лозим эди. Агарда Техрон ўзининг ядровий дастурини ва халқаро терроризмга ёрдам беришни тўхтатса, АҚШ Эронга нисбатан қўлланилаётган санкцияларни бекор қилади ва Эронга ўзининг халқаро мавқеини тиклашда амалий ёрдам беришини маълум қилади. Барак Обама президентлигининг дастлабки даврида Эрон билан муносабатлар масаласида сезиларли натижаларга эришилди. БМТ ва “Катта йигирматик” доирасида Эронга нисбатан қўлланилаётган санкцияларни қайта кўриб чиқиш масаласи кун тартибига

⁷ Гольцев А.В., Сухих Е.А. Логика развития ядерной политики США в отношении Исламской Республики Иран // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского. 2008. № 3. С. 231-237.

чиқади. Шу даврда АҚШ Конгресси Эроннинг нефтни қайта ишлаш соҳасига нисбатан қўлланилган № 2194 сонли қарорини қайта кўриб чиқади.

Аммо Эрон ўзининг ракета дастурини ривожлантиришда давом этмоқда, урани бойтиш ва унинг катта захирасини шакллантириш ишларини ҳам давом эттирмоқда. Барак Обама Эрон билан муносабатларни ўрнатишга қаратилган янги дипломатия ишлаб чиқишга топширик беради.

Эрон ва умуман АҚШ ташқи сиёсатида Кичик Буш ва Барак Обама йўналишлари бир-биридан фарқ қилган. Сабаби Кичик Буш ҳарбий чораларни ва кескин қарорларни кўпроқ қабул қилган бўлса, Обама бу борада анча “юмшоқ” сиёсат олиб борганлиги кўзга ташланади.

Унинг ташқи сиёсий йўналиши АҚШ халқаро зиддиятларни ва муаммоларни халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликда бартараф этишга ҳаракат қилишидан иборат эди. Бунда Эрон, Шимолий Корея, Сурия, Венесуэла ва Куба каби ҳатто душман давлатлар билан ҳам дипломатик музокаралар биринчи ўринга кўтарилади.

Умуман XXI аср бошларида АҚШ – Эрон муносабатлари АҚШнинг Яқин Шарқдаги манфаатлари йўлидаги энг муҳим муаммолардан бири. Мазкур вазифанинг удаланиши АҚШ учун Яқин ва Ўрта Шарқ “калит”ларини қўлга киритиш билан баробар. Аммо АҚШда президент ва ташқи сиёсий йўналишлар ўзгарганига қарамасдан Эрон Ислом Республикаси билан муносабатлар ҳамон санкциялар, халқаро яккалаш ва иттифоқчилар билан бирга босим ўтказишдан иборат ҳолатида сақланиб келмоқда. Икки малакат ўртасидаги муносабатларнинг қай ҳолатда ечим топиши энди бу – вақт масаласидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Гольцев А.В., Сухих Е.А. Логика развития ядерной политики США в отношении Исламской Республики Иран // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского. 2008. № 3. С. 231-237.

2. Мирский Г. Иран и США: противостояние на фоне «ядерного кризиса» // Мировая экономика и международные отношения. 2006. № 7. С. 3-14.

4. Фофанова М. Ирано-американские отношения: тупик или бег по кругу? // Азия и Африка сегодня. 2007. № 9. С. 28-32.

5. United Nations security council sanctions on Iran // Congressional Record. U.S. Senate. Congress 110th. Session 2nd. 2008. March. Vol. 154, № 37. Wash.: U.S. gov. print. off., 2008. P. 1594.

6. Report on the continuation of the national emergency that was declared on March 15, 1995, with respect to Iran - PM 41 // Congressional Record. U.S. Senate. Congress 110th. Session 2nd. 2008. March. Vol. 154, № 41. Wash.: U.S. gov. print. off., 2008. P. 1874-1875.

7. The Bush administration's middle east policies // Congressional Record. U.S. House of Representatives. Congress 110th. Session 2nd. 2008. April. Vol. 154, № 61. Wash.: U.S. gov. print. off., 2008. P. 2470.